

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 84 (340), 2021 йил 28 апрель, чоршанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЯХШИЛАШ УЧУН 1 ТРИЛЛИОН 600 МИЛЛИАРД СЎМ АЖРАТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 27 апрель куни эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 23 та эркин иқтисодий ва 348 та кичик саноат зонаси фаолият юритмоқда. Эркин иқтисодий зоналарда умумий қиймати 2,6 миллиард долларлик 453 та лойиҳа амалга оширилиб, 36 мингга яқин иш ўрни яратилган. Кичик саноат зоналарида эса 5 триллион сўмлик 1 минг 497 та лойиҳа ишга туширилиб, 36 мингдан зиёд кишининг бандлиги таъминланган.

Шу билан бирга, бу ҳудудларда ҳали имкониятлар кўп. Шу мақсадда давлатимиз раҳбари "Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни имзолади. Қарорга мувофиқ, жорий йилда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари инфратузилмасини яхшилаш учун 1 триллион 600 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланди.

Хусусан, 17 та эркин иқтисодий зонада қўшимча электр энергияси, газ, ичимлик суви ва оқова сув тармоқлари ҳамда автомобиль йўллари барпо этиш учун 584 миллиард сўм, 145 та кичик саноат зонаси учун 395 миллиард сўм йўналтирилади.

Йирик инвестиция лойиҳаларини инфратузилма билан таъминлаш мақсадида 232 миллиард сўм қўзда тутилган. Ривожланишдан орта қолган 33 та

туманда саноат ва бизнесни жадал ривожлантириш учун 264 миллиард сўм ажратилади.

Мутасаддиларга мазкур маблағларни ажратиш ва мақсадли ишлатилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш бўйича курсатма берилди.

Йиғилишда Президент Шавкат Мирзиёев энди энг муҳим масала эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналаридаги лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш эканини таъкидлади.

Жорий йилда эркин иқтисодий зоналарда умумий қиймати 1,1 миллиард доллар бўлган 332 та лойиҳа, кичик саноат зоналарида умумий қиймати 9,5 триллион сўм бўлган 1 минг 800 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган.

Мутасаддилар мазкур лойиҳалар юзасидан ҳисобот берди. Бу лойиҳалар юртимизда саноатни янада ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи ва экспортбор маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим омил бўлиши қайд этилди.

Йиғилишда эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида янги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича таклифлар қўриб чиқилди.

ЎЗА

САЙЛОВ — 2021

САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ АЪЗОЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШГА ОИД КОНЦЕПЦИЯ ТАСДИҚЛАНДИ



Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қўриш бўйича яқинда қабул қилган ва ижросига жадал киришилган асосий тадбирлар дастурида сайлов жараёни иштирокчиларининг малакасини ошириш ва тайёрлашга доир муҳим вазифалар белгиланган. Марказий сайлов комиссиясининг 27 апрель куни бўлиб ўтган навбатдаги йиғилиши шу масалага бағишланди.

Видеомулоқот шаклида ташкил этилган тадбирда Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва ходимлари, илмий ва олий таълим муассасаларининг сайлов ҳуқуқи бўйича экспертлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Зайниддин Низомхўжаев бошқарган йиғилишда қайд этил-

ганидек, жорий йилда бўладиган Президент сайловига пухта тайёргарлик қўриш ва уни умум-этироф этилган халқаро тамо-йиллар асосида ўтказиш учун сайлов комиссиялари аъзоларининг миллий сайлов қонунчилиги ва халқаро сайлов стандартлари бўйича билим ва амалий қўникмаларини оширишга янгича ёндашилади.

Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқилган Сайлов комиссиялари аъзолари малакасини оширишни ташкил этиш концепцияси сайлов жараёни иштирокчиларининг сайловга оид қўникма ва малакасини, ҳуқуқий билимини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

▶ Давоми 2-бетда

УЙ-ЖОЙ ХЎЖАЛИГИ

КўП ҚАВАТЛИ УЙЛАР БОШҚАРУВИ ТУБДАН ҚАЙТА ИСЛОҲ ЭТИЛАДИ



Президентимиз куни кеча кўп квартиралы уйлари бошқариш тизимини такомиллаштиришга оид тақдимот билан танишди. Тақдимотда давлатимиз раҳбари бу хизматларни янада ривожлантириш, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш, кўп қаватли уйлар бошқарув тизимини хорижий илм-тажрибани ўрганган ҳолда ислоҳ қилиш, соҳа ходимларини шу асосда ўқитишни яна ва яхлит бир тизимга олиб келиш бўйича топшириқлар берди.

Айни шу мақсадда маҳаллий ва хорижий ОАВ вакиллари иштирокида "Кўп квартиралы уйлари бошқариш тизимини такомиллаштириш" мавзусида пресс-тур ташкил этилди. Унда соҳани ислоҳ қилиш, мавжуд муаммоларга ечим сифатида тақлиф этилаётган янгиликлар борасида атрофлича маълумот берилди. Шу билан бирга, кўп қаватли уй-жойларга муносиб хизмат кўрсатилиши борасида аҳоли томонидан ҳақли эътирозлар билдирилаётгани таъкидлаб ўтилди.

▶ Давоми 2-бетда

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

МЕН ҲАМ ЭНДИ ОДАМЛАРДЕК ЯШАЯПМАН!



Муҳтарам Президент!

Мен шу ёшимгача ҳеч қаерга, ҳеч кимга мактуб ёзган, мурожаат қилган эмасман. Бироқ қалбимни тўлқинлан-тирган бир ҳолат мени ушбу номани ёзишга ундади.

Ўзим Сурхондарёнинг олис қишлоқларидан бирида яшайман. Турмушга чиққанман, икки нафар туғма ногирон фарзандим бор. Турмуш ўртоғим тирикчилик ташвишида пойтахтга кетган. Мавсумий ишларда ишлаб, еб-ичишимиз учун амал-тақал етадиган пул жўнатади. Мен эса ишсизман. Болаларимнинг соғлиги бир жойда муқим ишлашимга имкон бермайди.

Ота-онам қариб қолган, жигарларим ҳам ўз ҳаёти билан андармон. Шу пайтгача ҳеч бир ҳужжатсиз, хом гиштдан кўтарилган, одам уй дейишга ҳам ийманадиган кулбада яшаб келдик. Қўлимиз калталлиги сабаб, ҳатто деворларни ҳам сувоқдан чиқаролмаган эдик.

Бу йил қишдан норасидаларимни уйдаги бор ёпинчикқа ўраб олиб чиқдим. Болаларим касал, ногирон бўлса-да, дил пораларим, жонимнинг бир бўлаги. Уларнинг аҳволи, кўзимга мўлтираб тикилишлари, ўзимнинг чорасизлигимдан эзилиб, неча тунларни тонга улаганимни фақат Ўзига ялворганим Яратган билади.

Дунёда болаларининг олдида чорасиз қолишдан оғир дард йўқ экан. Мен буни ич-ичимдан ҳис этдим. Дунё кўзимга қоронғу қўрилиб, қайси остонага, кимнинг пойига бош уришимни билмай юрган кунларимда маҳалладан мени рўйхатга олиб кетишди. Кейин билсам, "Аёллар дафтери"га киритилибман.

Кўп ўтмай пойтахтдан комиссия келди, шароитимни ўрганди. Очiq айтаман, ўшанда ҳам мен ҳеч нарсага тушулмаган, тўғриси, ишонмаган эдим. Бироқ ишлар тезлашди. Бошпанамизни ҳамма

ҳавас қиладиган даражада қайта қуриб, бунинг устига, барча жиҳозлари билан қўлимга топширишди. Ва айтишдики, бу уй болаларингизга Президентимиздан совға...

Ўша маҳал беихтиёр кўзимга ёш келди. Йўқ, йўқ... Бу ҳўрлик эмас, рўшнолик ёшлари эди. Олис бир қишлоқда, гўё ҳеч кимга кераксиздай, ўз дардига ўзи қовурилиб яшаётган бир аёлнинг дил тубидан чиққан кўз ёшлари. Ортимда мени, фарзандларимни ўйлаётган, биз учун ичи ачишиб қайғурадиган, бошимизни силайдиган одам борлигидан кўнглимда гурур туйдим, этилган бошим кўтарилди.

Ҳаётимга ўзгариш олиб кирган яна бир хабарни айтмасам бўлмас. Менга яқинда тикув машинаси беришди. Қўлимда хунарим бор. Энди уйда ўтириб даромад топиш имкони ҳам туғилди.

Энди мен ҳам одамларга ўхшаб яшаяпман. Одамлар ҳавас қиладиган даражада уйим бор. Даромад учун ишим бор. Фарзандларим ёнимда.

Хурматли Президент!


Ижозат берсангиз, Сизга бир фарзанд ўз отасига ҳурматини изҳор этгандек мурожаат қилсам. Зотан, Сиз менга отам, туғишганларим қиловмаган яхшиликни, беролмаган меҳрни бердингиз. Ҳаётга, яшашга бўлган қарашларимни ўзгартирдингиз.

Мен энди ҳечам қўрқмай, сиқилмай яшайман. Биламанки, мен ташлаб қўйилмаганман, ортимизда Сиздек суяңчимиз ва меҳрибонимиз бор.

Барчаси учун ташаккуримни қабул қилинг, муҳтарам Юртбошим!

**Чексиз миннатдорлик билан,
қизингиз**

**Насиба АТАМУРОВА
Сурхондарё вилояти
Олтинсой тумани "Шакар қамиш"
маҳалла фуқаролар йиғини**



"ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" УЧУН МАХСУС



Ўзбекистон хориждаги фуқароларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилмоқда ва қўллаб-қувватламоқда

Жаҳон иқтисодиёти тобора глобаллашаётган, халқаро меҳнат бозори ривожланаётган ва трансчегаравий ишчи кучи оқимлари кенгайиб бораётган бир вазиятда меҳнат миграцияси аксарият фуқаролар ва уларнинг оила аъзолари учун бандлик ва даромад олишни таъминлайдиган объектив ижтимоий-иқтисодий жараён ҳисобланади.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда 2,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонлик фуқаро хорижда бўлиб турибди. Улар Россия, Марказий Осиё давлатлари, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Европа ва бошқа мамлакатларда яшайди, вақтинча меҳнат қилади ёки таълим олади. Хусусан, 50 мингга яқин ўзбекистонлик ёшлар хорижий университетларнинг талабаларидир.

Уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари

Ватан сарҳадларидан ташқарида республикамизнинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик идоралари томонидан ҳимоя қилинмоқда. Бунинг учун ушбу соҳани тартибга солувчи мустақим шартномавий-ҳуқуқий база яратилган. Республикадан ташқарида меҳнат қилаётган Ўзбекистон фуқароларининг ижтимоий ва меҳнат ҳуқуқларига риоя этилишини назарда тутувчи давлатлараро даражада ҳужжатлар имзоланиб, амалга оширилмоқда.

2017 йилгача хорижий давлатларда 47 та дипломатик ваколатхона ва консуллик муассасаси ўзбекистонликларга консуллик хизмати кўрсатиб келган.

Яқин ва узоқ хорижда меҳнат қилаётган Ўзбекистон фуқаролари сонини ҳисобга олиб, улларга ҳуқуқий ёрдам ва консуллик хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида сўнгги тўрт йилда Россиянинг Санкт-Петербург, Владивосток, Ростов-Дон, Қозон ва Екатеринбург шаҳарлари, Қозоғистоннинг Олмаота ва Оқтов шаҳарлари ҳамда Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида 8 та янги консуллик ваколатхоналари очилди. Бугун Саригаши (Қозоғистон), Тула, Самара ва Саранск (Россия) шаҳарларида ҳам Бош консулхоналар фаолиятини йўлга қўйиш масаласи қўриб чиқилмоқда.

▶ Давоми 2-бетда

КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

МУАММО БИРИНЧИ МУРОЖААТДАЁҚ ҲАЛ БЎЛДИ

Турғуной МАДУМАРОВА

Яқинда 68 ёшга тўлдим. 44 йилдан буён Андижон шахрининг “Қайрағочтаги” маҳалласида яшайман. Шу ерда 5 фарзандни дунёга келтириб, турмуш ўртоғим билан уларни тарбияладик, уйли-жойли қилдик. Бироқ нима сабабдандир, балки зарурат бўлмагандир, уйимизни давлат рўйхатидан ўтказмаган эдик.

Қўшнилардан Президентимизнинг 2018 йил 20 апрелдаги “Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида”ги фармони ҳақида эшитиб, 2019 йили Андижон шаҳри Давлат хизматлари марказига мурожаат қилдим.

Аммо ҳаёт ташвишлари билан бўлиб мурожаатим ёдимдан кўтарилибди. Яқинда уйимни неварамнинг номига ўтказмоқчи бўлдим. Қарасам, ҳужжатлари йўқ. Шу боис, ёрдам сўраб Ўзбекистон Президентининг виртуал қабулхонасига мурожаат қилдим. Мурожаатим тезда вилоятнинг адлия ҳамда давлат хизматлари органлари томонидан тегишли тартибда кўриб чиқилди ва кўни кеча менга Андижон шаҳри ҳокими қароридан кўчирма олиб келиб беришди. Маълум бўлишича, 2019 йилдаги мурожаатим шаҳар ҳокимлигида ташкил этилган махсус комиссия томонидан кўриб чиқилиб, ўша йилнинг 21 декабрида тасдиқланган деоплатнома асосида Андижон шаҳри ҳокимининг тегишли қарори қабул қилиниб, менга яшаб келаётган хонадонимга умрбод

эгалек қилиш ҳуқуқи белгиланган экан. Ўғилларимни уйли-жойли қилганман, қизимнинг ўғли, яъни неварам Жаҳонгир билан бирга яшайман. Раҳматли бобоси уйни шу неварамнинг номига ўтказиб беришимни васият қилиб кетган.

Илгари бир масалани ҳал этиш учун ўнлаб идорага боришга тўғри келарди, шунда ҳам муаммо чала-ярим битарди. Юртимиздаги кейинги йиллардаги ўзгаришлар туфайли муаммом биринчи мурожаатимдаёқ ҳал бўлди. Президентимизнинг одамлар давлат идораларига эмас, давлат идоралари ходимлари одамлар ҳузурига борсин, уларнинг муаммоларни ҳал этсин, деган гапларининг исботини ўзим мисолимда кўрдим. Одамлар учун бундай имкониятлар яратаетган давлатимиз раҳбарига раҳмат.



Достонбек АБДУҚАҲҲОРОВ, Наманган шаҳри ҳокими ўринбосари

Қутилмаган шундай бахтли воқеалар бўладикки, умрингни безайди, ҳаётингни бутунлай ўзгартириб юборди. Давлатимиз раҳбари билан юзма-юз мулоқот фаолиятимда кескин бурилиш ясади. Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 18 февраль кўни Наманган вилоятига ташрифининг биринчи кўни оқшомди. Идорамда, яъни вилоят ички ишлар бошқармасида ҳисобот-мониторинг жараёнлари билан машғул эдим. Қўл телефоним жиринглади, вилоят фаолларининг эртанги йиғилишида қатнашимини айтишди. Зарур ишларни яқунлаб, уйга бориб дам олдим. 19 февраль тонгидан ота-онамга бу ҳақда айтдим, улар: “Болам, бугун ростдан ҳам Шавкат Мирзиёев билан учрашгин, юзинг ёруғ бўлсин, омин!” дея дуо қилди...

Мажлисда вилоят ҳокими лавозимига тасдиқланган

ҲАЁТИМНИ ЎЗГАРТИРИБ ЮБОРГАН УЧРАШУВ

Шавкат Абдураззоқов фаолияти тўғрисида муносабат билдирилиши керак эди. Президент бирдан залда ва студияларда ўтирган йигит-қизларга қараб: “Музокара учун ёшлардан ким сўзга чиқади?” деб сўради. Шартта қўл кўтариб, микрофони олишим билан давлатимиз раҳбари мени минбарга чорлади. Очиғи, нутқ учун алоҳида тайёрланмагандим. Вилоят ИИБ Кадрлар бошқармаси ёшлар билан ишлаш гуруҳи катта инспектори сифатида бажараетган вазифаларим тўғрисида сўзладим. Президентимиз менга бир-икки савол берди, жавоб қайтардим, ўз йўналишимда “маҳаллабай” тизим бўйича самарали ва янгилаш ишлаш, замонавий кадрлардан унумли фойдаланишга доир тақлиф-мулоҳазаларимни билдирдим. Шунда дафъатан ҳаётимни ўзгартириб юборган ажойиб ҳодиса рўй берди. “Ўзингиздаги ғайрат-шижоатни шаҳар ҳокимлигига олиб ўтсангиз, сиз ҳозирдан бошлаб Наманган шаҳри ҳокимига ўринбосар этиб тайинландингиз”, деган самимий хитоб янгради. Формада эмасдим, ҳарбийча нутқ ҳам ҳаёлимдан кўтарилиб, лекин қатъий оҳангда, “Албатта, ҳурматли Президент, юксак ишончингизни оқлайман!” дея миннатдорлигимни билдирдим. Ҳаяжондан йиқилиб тушмаслик учун минбарни маҳкам ушлаб олганимни пастга тушаётганда сездим...

Ташқарига чиқиб, телефонимага қарасам, табриклаш учун салкам 700 марта кўнғироқ бўлибди. Уйга борсам, хушхабар ижтимоий тармоқлар орқали яшин тезлигида тарқалган, қўшнилари интернетдан тезкор янгиликни ўқиб, оиламиздагиларга суюнчилаб бўлган экан. Онам кўзда ёш, отам шодон чехра билан кутиб олди, хонадонимиз кадрдонларга тўлди. Бу қувончли ва омадли лаҳзаларни ҳеч қачон унутолмасам керак!

Шундай қилиб, 30 ёшимда Наманган шаҳри ҳокимининг ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи лавозимида ишга киришдим.

Янги масъулиятли лавозимга ўтишим билан раҳбарлик салоҳиятимни ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясига тингловчилик учун Тошкентга юборилдим. Ҳозир дарсларни онлайн тарзда ўзлаштирмоқдаман. Бошқа вақтларда Наманган шаҳри ҳокими ҳамроҳлигида давлатимиз раҳбари ташриф чоғида борган ва танқид қилган “Бунёдкор” маҳалласига ва вилоят марказидаги мавжуд барча МФЙларга режа асосида кириб, ҳолатни ўрганяпмиз. Аввало, ободонлаштириш баробарида одамлардаги боқимандалик иллатини йўқотишга, дахлдорлик ва фаоллик туйғусини оширишга астойдил уринапмиз.

Қолаверса, ташкил этилган штабда ҳар кўни фуқаролар мурожаати билан шуғулланаман. Бундан ташқари, асосий эътиборимни шаҳар “Аёллар дафтари”га қирган 8484 нафар хотин-қизлар масалалари юзасидан белгиланган ишлар ижросига йўналтираман. Бугунгача 2026 нафар аёлни рўйхатдан чиқаришга эришдик, 2632 нафари дафтардан чиқиш арафасида. Оғир шароитга тушиб ва ишсиз қолган, саломатлигини йўқотган, тадбиркорлики бошламоқчи бўлган опа-сингилларимиз муаммоларини ҳал этиш чора-тадбирларини кўряпмиз.

Юртим — кўксим, элим — илигим, дейди халқимиз. Бугун бизнинг кўксимиз ғурурга тўла, илигимиз тўқ. Ортимизда қудратли давлатимиз, бунёдкор халқимиз, фидойи, халқпарвар Президентимиз турибди. Шундай экан, бугунги марралар биз — ёшларга чўт эмас. Мақсадимиз кўп, улардан энг улуғи Ўчинчи Ренессанс даврига муносиб, халқимиз қорига ярайдиган эл фарзанди бўлиш.

ЖАРАЁН

Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИДА

Маълумки, хизмат кўрсатиш соҳаси кенг қамровлилиги билан аҳоли ҳаётида муҳим ўрин тутлади. Энг асосийси, бу соҳада янги иш ўринларини кам харажат билан тез муддатда ташкил этиш мумкин. Аҳоли даромадларининг реал ўсиши эса, аввало, хизматлар ривожига сезилади. Қайд этиш керакки, хизматлар соҳасида ижобий тажрибалар шаклланган ҳудудлар ҳам, қониқарсиз натижалар қайд этилаётган ҳудудлар ҳам мавжуд.

Бу йил хизматлар кўрсатиш соҳасида туб бўрилиш йили бўлишига замин яратадиган янги механизмлар жорий этилади. Дастлабки режаларга кўра, мазкур соҳада 59 триллион сўмлик 42 мингта янги лойиҳа амалга оширилади. Агар белгиланган бу вазифалар тўла амалга оширилганидан бўлса, хизмат кўрсатиш соҳасида сезиларли ривожланиш бўлади.

Янги қувватларни ишга тушириш орқали хизматлар сонини ҳам, ҳажмини ҳам бир неча баробарга ошириш имкони мавжуд. Жорий йилда соҳадаги марра катта олинган. Хусусан, йил сўнгигача хизматлар соҳасида 150 мингта янги иш ўринлари яратиш белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида хизмат кўрсатиш соҳасига бир триллион сўм имтиёзли кредитлар берилди. Лекин жойларда тадбиркорлар билан ўтказилган учрашувларда янги хизмат турларини йўлга қўйиш бўйича мурожаатлар, ташаббуслар кўп бўлмоқда.

Худудларда хизмат кўрсатиш соҳаси йўналишларини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз ҳар бир лойиҳа ижросини назоратга олиб, тадбиркорларга қўмаклашиш, шу билан бирга, янги лойиҳаларни шакллантириб бориш юзасидан кўрсатмалар берди.

— Маълумки, пандемия шароитида энг кўп зарар кўрган соҳалардан бири бу — хизмат кўрсатиш соҳаси бўлди. Лекин давлатимиз томонидан берилган қарийб 35 триллион сўмлик маблағ хизмат кўрсатиш соҳасини оғир шароитдан чиқиб олишида муҳим аҳамият касб этди. Натижада 102 фойз ўсишга эришилди, — дейди Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни

қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари Саидқаҳҳор Холхўжаев. — Жорий йилда мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, кўни хизмат кўрсатиш соҳаларини ҳар бир ҳудуд бўйича камида икки баробарга ошириш кўзда тутилмоқда. Жумладан, бу йил хизматлар кўрсатиш ҳажмини 270 триллион сўмдан ошириш белгиланди.

Бунда, биринчи навбатда, ҳар бир туманда, ҳар бир маҳаллада аҳоли учун муҳим ва айна кунда зарур бўлган хизматлар турларига бўлган эҳтиёжни аниқлаган ҳолда рўйхатни шакллантириш зарур. Ҳозирги кунда ўрта ҳисобда битта маҳаллада эҳтиёждан келиб чиқиб 20 турдаги фаолиятни, шаҳар ва туман марказларида эса 70 га яқин хизмат турларини амалга ошириш мумкин. Шунинг учун бу йил 42 мингта янги лойиҳани амалга ошириш ва 150 мингта иш ўринларини яратиш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, давлат томонидан тижорат банклари орқали қўшимча 300 миллион доллар маблағ хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга йўналтирилади. Шу билан бирга, тижорат банклари ҳам бу соҳага ўз маблағларини йўналтириши белгиланди. Хусусан, бу йилги режа бўйича камида 18 триллион сўмлик банк кредитлари ажратилиши кўзда тутилмоқда. Соҳага қаратилган бундай



этибор тез фурсатларда ўз самарасини беради ва давлатимиз раҳбари томонидан вазирлик ва ҳокимликлар олдига қўйилган топшириқлар тўлиқ амалга ошиши таъминланади.

Шу билан бирга, мазкур марказлар “маҳаллабай”, “туманбай”, “вилоятбай” хизматларга бўлган талабларни ўрганиб чиқади ва ҳар бир туман кесимида хизматлар сонини уч-тўрт баробарга оширишга мўлжалланган лойиҳаларни шакллантиради. Топшириққа кўра, мазкур лойиҳаларни молиялаштириш бўйича

300 миллион доллар маблағ ажратилади. Шунингдек, вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари, сектор раҳбарлари, маҳаллага бириктирилган масъуллар билан бирга “маҳалла — туман — банк” принципи асосида лойиҳалар рўйхатини шакллантиради. Бунда, ҳар бир маҳаллада камида 20 турдаги, туман ва шаҳарда камида 70 турдаги хизматлар бўлиши назарда тутилади. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан 28 та йирик ва ўрта шаҳарларда туризм, транспорт, тиббиёт, таълим хизматлари ҳамда йирик савдо комплекслари ташкил этиш учун қўшимча 200 миллион доллар маблағ жалб қилинади.

Бунинг учун юртимизда жуда катта имконият бор. Хусусан, янги лойиҳалар эвазига Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида хизматлар ҳажми бир баробарга ортади. Шаҳардаги хизматлар бозори ҳажмини 1,4 триллион сўмдан, 3 триллион сўмга етказиш кўзда тутилган.

— Жорий йилдаги режамиз бир триллион 600 миллиард этиб белгиланган эди, — дейди Чирчиқ шаҳар ҳокими Санжар Юсупов. — Давлатимиз раҳбарининг Чирчиқ шаҳрига ташрифидан сўнг, мутасаддиларга қатор топшириқлар берилди. Шунинг учун бу режани икки баробарга ошириш белгиланди. Бунинг учун шаҳарда барча имконият бор. Масалан, 102 гектарли фойдаланилмай бўш ётган боғ мавжуд. Чет эллик инвесторлар таклиф этилди. Натижада ҳозир бу ерда меҳмонхона, маданий-маиший объектлар қуриш бўйича чоралар кўрилламоқда. Бундан ташқари, транспорт

логистика соҳасини ривожлантириш орқали ҳам хизматлар кўрсатиш соҳасида яхши натижага эришиш мақсад қилинган. Ана шу мақсадда ҳудуддаги беш ётган қаровсиз майдон тадбиркорга бириктирилиб, ҳозирда бу ерда логистика маркази бунёд этишга киришилди.

Шунингдек, Шахрисабз туманида ҳам жорий йилда 91 миллиард сўмлик 64 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган.

— Бироқ бу ҳудуд салоҳиятидан келиб чиқиб қараладиган бўлса, анча паст, — дейди Шахрисабз шаҳри ҳокими Самад Ҳасанов. — Бунга “маҳаллабай” тарзда ўрганиш жараёнларида амин бўлдик. Жумладан, биргина “Термиз — Тошкент” йўналиши бўйича йўл ёқасидаги инфратузилмани ривожлантириш орқали 128 миллиард сўмлик 60 та лойиҳани амалга ошириш имконияти мавжуд. Шу билан бирга, тоғли ҳудуддаги Мираки қишлоғидаги аҳолига, бугун туризм бўйича давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлар тушунтирилганда, 100дан ортиқ хонадон меҳмон уйлари ташкил этиш бўйича мурожаатлар билан чиқди. Айни пайтда ушбу ҳудудда 300 га яқин меҳмон уйлари ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Биргина ана шу хизматлар билан минг нафарга яқин фуқаро иш билан таъминланади.

ХИЗМАТЛАРНИ РИВОЖЛАТИРИШ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА-ТАҲЛИЛИЙ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусияти хизматлар кўрсатиш соҳасини янада жозибали қилади. Энг асосийси, эндиликда уларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, янги хизмат турларини йўлга қўйиш, илгор тажрибалар ва намунавий лойиҳаларни жорий этиш бўйича янги методология яратилади. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Миллий банки ҳузурида хизматларни ривожлантириш бўйича лойиҳа-таҳлилий маркази ташкил этилади ва барча вилоятлардаги филиалларида унинг бўлимлари очилади. Уларда аҳолига намунавий тайёр бизнес лойиҳаларни тақдим этилади, қабзага ўқитишдан бизнесни йўлга қўйишгача бўлган комплекс хизматлар кўрсатилади.

— Хизматлар соҳасини янада ривожлантириш учун инфраструктура объектларидан янада самарали фойдаланиш

муҳим аҳамият касб этади, — дейди Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази директорининг ўринбосари Умид Обидхўжаев. — Яъни аэропорт, темир йўл ва автовокзаллар соҳа ривожига муҳим ўрин тутди. Агар жаҳон тажрибасини олиб қарайдиган бўлсак, масалан, Японияда асосий пул оқими йўловчиларнинг йўлқираси ҳисобига эмас, балки, уларга сервис хизмат кўрсатиш орқали келади. Шунинг учун бизда ҳам ана шу манзилларда меҳмонхона, маиший объектлар, овқатланиш шохобчалари, спорт иншоотлари каби сервис хизматини кўпайтириш зарур. Бу эса, ўз навбатида, юртимизга туризмни ривожлантиришда ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ходимларни ўқитиш, малакасини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур. Белгиланганидек, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасаруфидидаги коллежларда ва бошқа моно марказларда соҳада фаолият олиб борадиган ишчи-хизматчиларни қайта ўқитиш, тайёрлаш бўйича ишларни тезроқ йўлга қўйиш керак.

— Хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича вилоятимизга 160 миллиард сўм ажратилди, — дейди Самарқанд вилояти ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Жамшид Ўроқов. — Айни пайтда соҳани ривожлантириш бўйича 3 мингта яқин лойиҳа бор. Вилоят ички хусусиятидан келиб чиқиб, катта магистрал йўллар бўйида инфратузилмани яхшилаш мақсадида гўзаллик салоҳи, савдо дўконлари, дорихоналар, маиший техникаларни, автомобилларни таъмирлаш ва ювиш, интернет ва пайнёт хизматлари ва овқатланиш шохобчалари қуриш бўйича қатор лойиҳаларни молиялаштиряпмиз. Ана шу мақсадда барча туман ва шаҳарлар салоҳиятини ўрганиш мақсадида ишчи гуруҳ тузилиб ўрганишлар олиб борилмоқда. Масалан, Тайлоқ туманида 50 та маҳалла бор. Ўрганишлар жараёнида 21 турдаги хизмат кўрсатиш тури бўйича бу маҳаллаларда мингдан ортиқ хизмат кўрсатиш шохобчалари яратиш имконияти мавжудлиги аниқланди. Яъни биргина Тайлоқ туманида айни пайтда 356 та лойиҳани амалга ошириш натижасида аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш ҳажмини 3 миллион сўмдан 4,5 миллион сўмга ошириш имконияти мавжуд.

Бир сўз билан айтганда, ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантиришдан асосий мақсад тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлашдир. Натижада тадбиркорлар даромад олади, аҳоли иш билан таъминланади.



ЯНГИ ТИЗИМ

ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАГИЧЛАР: ШАФФОФ, ҚУЛАЙ ВА СИФАТЛИ

Жамолiddин ҚАЛАНДАРОВ,
журналист

Жорий йилнинг 23 апрель кuni давлатимиз рахбари пойтахтимиз марказида жойлашган “Худудий электр тармоқлари” АЖ ҳузуридаги Электр энергиясини ҳисобга олишни автоматлаштириш маркази фаолияти билан яқиндан танишди. Мазкур тизим мамлакат электр энергияси тузилмаси, тарва каттаю кичик станциялар ва аҳоли истеъмол қилаётган электр қувватини назорат қилиш ва ҳисобини автоматик юритиш имконини беради.



Президентимизнинг 2018 йил 23 октябрдаги “Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 сентябрдаги “Электр энергиясини ҳисобга олиш ва автоматлаштирилган тизимларини жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига асосан, “Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан ҳар бир уй, корхона ва муассасага электрон ҳисоблагичлар ўрнатилмоқда. Шунингдек, мазкур тизим орқали жойлардаги

катта юкмаалар билан ишлаётган трансформатор пунктларини, тармоқларни аниқлашда, юзага келадиган аварияли ҳолатларнинг олдини олишга, модернизация ва қурилиш ишларини амалга оширишни ҳамда, энг асосийси, истеъмолчиларимизни узлуқсиз электр энергияси билан таъминлаш учун ҳам хизмат қилади.

Лойиҳанинг умумий қиймати 587 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, унинг илк босқичи учун Осий тараққиёт банки томонидан 150 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратилган.

— Президентимизнинг қарорига асосан, маҳаллийлаштириш бўйича ишларга киришиб, “Электрон ҳисоблагич” ҚК ва “Тошэлектроаппарат” МЧЖлар томонидан ҳудди шу функцияларни бажарадиган, сифати, ишлаши, дизайни ва аниқлиги борасида ҳам чет элликдан қопшмайдиган маҳсулотлар ўзимизда ишлаб чиқарила бошланди, — дейди Электр энергиясини ҳисобга олишни автоматлаштириш маркази директори Равшан Мирсолиҳов. — Режага асосан, жами 7 миллион 400 мингга яқин электрон ҳисоблагич алмаштирилиши кўзда тутилган. Агар хорижикининг нархи ўрта ҳисобда 64 АҚШ доллари миқдорига турса, юртимизда ишлаб чиқарилганлари 48 долларни ташкил қилди. Иш ўринлари ҳам яратилди. Асосийси, келажакда бу маҳсулотларга хизмат кўрсатиш марказлари фаолияти бўйича муаммо бўлмайди. Президентимиз ҳам марказимиз фаолияти билан танишиб жараёнида бутун мамлакатимиз бўйича ушбу автоматлашган тизимга хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш, мутахассисларни ўқитадиган ва қайта тайёрлайдиган марказлар ташкил этиш, ходимларни рағбатлантириш бўйича кўрсатмалар берди.

Бугунги кунга қадар республика бўйича жами 6 миллион 578 мингдан ортиқ янги ҳисоблагич аҳоли хонадонларига ўрнатиб бўлинди. Уларнинг қарийб 4 миллион 127 мингтадан ортиғи биллинг тизимига уланган, яъни ушбу истеъмолчилар билан ҳисоб-китоблар автоматик равишда амалга оширилмоқда ва ҳар бири бўйича маълумот олиш ва назорат қилиш имконияти мавжуд. Инсон омили қамайиб, ноқонуний уланешлар, коррупция ҳолатларига чек қўйилади. Марказда 100 дан ортиқ малакали мутахассис ишламоқда.



Хаким Муродов ва оғлан суратлар.

— Илгари инсон омили кучли ва қўғозбозлик юқори бўлган, — дейди. Электр энергиясини ҳисобга олишни автоматлаштириш маркази етакчи мутахассиси Бобурмирзо Қанонов. — Ҳозирги кунда биз дастурий таъминот орқали ҳар бир ҳисоблагичдан маълумотларни онлайн олиб турибмиз. Бу жараён тўлиқ автоматлашган. Ҳеч қандай инсон аралашуви йўқ, ходимларимиз бориб фуқаронинг хонадонини тақиллатиб юрмайди. Ҳисоблагичларнинг ўзи бир кунда бир маротаба маълумотларни дастурга юборади. Дастур эса уни истеъмолчи, трансформатор, ним станциялар, туман, вилот кесимида таҳлил қилиб, бизга умумий натижаларни чиқариб беради. Биз шу маълумотлар асосида ўша худуддаги аҳолини, қаерда, қанча истеъмол бор, қаерда авария кузатишмоқда, қайси истеъмолчи тармоққа ноқонуний уланган, барчасини кузатиб туриш имконияти бор. Зарур пайтда истеъмолчиларга тезкор хизмат кўрсатамиз.

Аслида ҳам АСКУЭ тизимини жорий этишдан асосий мақсад истеъмолчи ва таъминотчи ўртасидаги шаффофлиқни таъминлаш, етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китобларга аниқлик киритиш, шу билан бирга, истеъмолчиларнинг тулов интизомини мустаҳкамлаш, электр энергиясини тақсимлашда ҳар бир истеъмолчи ва трансформатор пункти кесимида керакли маълумотларни олиш ва таҳлил қилиб бориш, шу билан бирга, улар асосида модернизация ишларини амалга ошириш ҳисобланади.

Автоматлаштирилган тизимга уланган электр ҳисоблагичлардан фойдаланиш фуқароларга ҳам қулайлик яратади. Аввали

ҳисоблагичларда санокли маълумотлар бўлса, янгисида улар сони 40 тага яқин ва хонадон эгасига 25 йилгача хизмат қилиши назарда тутилган. Улар жаҳон стандартлари асосида юртимизнинг иқлим шароити, хусусан, ҳавонинг энг иссиқ ҳамда энг совуқ даражасига мослаштирилган ҳолда ишлаб чиқарилмоқда.

Мазкур лойиҳа Жанубий Кореянинг “КТ Corporation” компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилди ва марказга катта сифимли сервизлар ўрнатилди. Дастурий таъминот 8 миллион истеъмолчига хизмат кўрсатиш қувватига эга. Шу модулни кенгайтириш орқали бу кўрсаткичи 20 миллионгача етказиш имконияти бор.

— Ушбу жорий қилинган тизим ҳозирги кунда дунёнинг энг юқори стандартларига жавоб беради, — дейди “КТ Corporation” компанияси лойиҳа менежери Ин Ки Ким. — АҚШ ва Европа давлатларида ҳам мана шундай тизим жорий қилинган. Ҳатто Жанубий Кореяда аҳолини “ақлли” ҳисоблагичлар билан қамраб олиш даражаси 50 фоизга етмайди. Ўзбекистонда бу кўрсаткич ҳозирда 90 фоиз бўлса, бироз вақтдан сўнг у 100 фоизга етади. Бундан ҳар қанча фойдаланиш мумкин.

Ҳақиқатан шундай. Давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган қароридида электрон ҳисоблагичли абонентлар қамровини 2021 йил якунигача 100 фоизга етказиш вазифаси қўйилган. Ҳозирда бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда. Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига жами 7 миллион 418 мингдан зиёд истеъмолчини улаш режалаштирилган.

МУЛОҲАЗА

МИЛЛИЙ ПУЛ БИРЛИГИМИЗ — МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИМИЗ

А.ҚҶЗИЕВ,
тадқиқотчи

Конституциямизда миллий валютамиз давлат рамзи сифатида бевосита кўрсатилмаган бўлса-да, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонунларда миллий валютамиз (пул бирлиги) сўм экани ва у республикамизда ягона, чекланмаган ва қонуний тўлов воситаси сифатида мустаҳкамлаб қўйилган.

Айтиш керакки, ҳозирги кунда жаҳонда трансчегаравий пул бирликлари (масалан, евро) амал қилаётган бўлишига қарамай, миллий валюта ҳар бир давлатнинг мустақиллигини белгилловчи мезонлардан бири сифатида ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Миллий валюта ўша аҳамиятини йўқотган ҳар қандай давлатнинг миллий рамзи ҳисобланади. Масалан, доллар деганда — АҚШ, фунт-стерлинг деганда — Буюк Британия, юань деганда — Хитой, иена — Япония, рубль — Россия, रुपий — Ҳиндистон кўз олдимизга келади. Миллий валюта давлатнинг рамзи сифатида молиявий-иқтисодий вазифаларни бажариш билан бирга, унинг куч-қудратини, улугворлигини ифода қилади. Тасвирланган расмлар, атрибутилар эса ўша давлатнинг манбаи бўлган халқнинг менталитетини ва ўзига хос хусусиятларини акс эттиради.

Ўзбекистоннинг амалдаги миллий валютаси — сўм Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июндаги фармони билан, 1994 йилнинг 1 июлида муомалага киритилган. Пул бирлигимизнинг дизайнида қадимий нақшларга, юртимиздаги осори атиқалар ва мустақиллик йилларида барпо этилган ўзбек давлатчилигини ифодаловчи символлар тасвирига катта эътибор берилганлигини таъкидлаш жоиз. Хусусан, пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи музейи (1000 сўмлик), Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биноси (5000 сўмлик), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биноси (10 000 сўмлик), Тошкентдаги “Эзгулик аркаси” ва Анжуманлар саройи (50 000 сўмлик) ва энг йирик купюра ҳисобланган 100 000 сўмликда Мирзо Улуғбек ҳайкали ва расадхонаси тасвирланган. Муомаладан чиқарилган 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100, 200, 500 сўмлик купюраларда ҳам тарихимизнинг энг нодир дурдоналари ва осори атиқалари тасвирлари мукжасам эди.

Пул бирлигимизни ифодаловчи барча купюраларнинг олд (ички) тарафидида Ўзбекистон Республикаси давлат гербининг тасвири ўз ифодасини топган.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бугунги фаровон ҳаётимиз ва эртанги ёруғ келажак бўлган интилишимиз асоси бўлган миллий пул бирлигимиз ҳар биримиз учун ниҳоятда қадри ва қимматлидир. Шу боис, халқимиз ҳар бир сўмини нафақат тирикчилик воситаси, балки маънавий қадрият

сифатида ҳам ниҳоятда эъзозлайди. Ана шундай эзгу анъаналаримизга зид равишда сўнгги пайтларда оммавий ахборот воситалари орқали, хусусан, Интернет тармоғида тарқалаётган ўзбек сўмини, миллий валютамизни ҳақорат қилиш, таққирлаш, унга нисбатан ҳурматсизлик қилиш билан боғлиқ ҳолатлар учраётгани ачинарлидир. Жамоат жойларида, тўйларда ўзбек сўмини инсонлар устидан сочиш, уни йиртиб ташлаш, ёқиш, бу билан эса ўзини макташ, кўз-кўз қилиш, бой-бадавлат эканлигини кўрсатиш ҳолатлари учрамоқда.

Миллий валютамиз ҳисобланган сўм мустақил давлатчилигимизнинг бир белгиси экан, унинг купюраларида миллийлигини, давлатчилигимизни акс эттирувчи тасвирлар, давлат рамзи бўлган герб жо бўлган экан, бундай ҳолатларга бир чеккада, жим қараб туришимиз қай даражада тўғри бўлади? Бунинг учун қонунчилигимизда жавобгарлик чоралари борми ёки муаммо тарбиядами, миллий валютамизнинг қадриятини боғиришга ўзимиз сабабчимизми, деган саволлар пайдо бўлиши табиий.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 203-моддасида (*Давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш*) ҳамда Жиноят кодексининг 215-моддасида (*Давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш*) Давлат байроғи, Давлат герби ва Давлат мадҳияси тўғрисида сўз боради. Аммо миллий валютамиз — сўмга нисбатан ҳурматсизлик қилганлик учун мазкур моддалар билан айбдор шахсни жавобгарликка тортиш назарда тутилмаган.

Иккинчидан, оммавий ахборот воситаларида қалбаки равишда ўзбек сўмини тайёрлаб, уни муомалага киритиш билан боғлиқ жиноятларга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тегишли қонуний чоралар қўрилатганлиги ҳақида ахборотлар ериштирилмоқда. Бунинг учун Жиноят кодексининг 176-моддасида (*Қалбаки пул, акция маркаси ёки қимматли қозғалар ясаш, уларни ўтказиш*) жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Шу билан бирга, бошқа давлатларнинг пул бирликларида бўлган каби ўзбек сўми купюраларининг тағ қисмида “Ўзбекистон сўмини қалбакилаштириш қонунга мувофиқ таъқиб қилинади”, деб ёзиб қўйилган.

Демак, ўзбек сўмини қалбакилаштирганлик учун жавобгарлик мавжуд ва бундай жиноятларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўрилган. Аммо унга нисбатан қилинган ҳурматсизлик учун ҳеч қандай жавобгарлик назарда тутилмаган, маънавий жавобгарлиқни ҳисобга олмаганда, албатта.

Шу ўринда, Бирлашган Араб Амирликлари давлати тақрибисига мурожаат қилсак. Сўнгги пайтларда мазкур давлатнинг 500 дирхамлик (БАА пул бирлиги) купюрасига (унда муқаддас Жумайра масжидининг тасвири мавжуд) нисбатан ҳурматсизлик акс этган видеони иқтисодий тармоқларда тарқатганлиги учун айбдор шахс 1 миллион дирхамгача (273 000 АҚШ доллари) жарима жазосига тортилиши бўйича хабарлар тарқалди. Яъни бу ерда давлат пул бирлигига қилинган ҳурматсизлик учун жуда катта миқдордаги жарима жазоси қўлланади.

Ёки шунга ўхшаш ҳаракатларни содир этганлик учун маъмурий жавобгарлиқни назарда тутувчи қоидалар 2019 йил 29 мартда Россия Федерацияси қонунчилигига киритилди. Айбдор шахс Интернетда фейк (сохта) ахборотларни тарқатганлик ёки ҳокимият ва давлат рамзларини ҳақорат қилганлик учун (шу жумладан, рублга нисбатан ҳурматсизлик қилиш ҳам) 300 000 рублгача жаримага тортилади ёки бундай қилмишлар тақдирини содир этилса, унга нисбатан маъмурий қамоқ қўлланади.

Фикримизча, қуйдаги тадбирларни амалга ошириш орқали бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мумкин бўлади: миллий валютамизга нисбатан оммавий тарзда (жамоат жойларида, тўйларда), Интернетда қилинган ҳурматсизлик учун маъмурий жавобгарлиқни белгилаш;

ўзбек сўми купюраларининг пастки қисмида “Ўзбекистон сўмини қалбакилаштириш ва унга ҳурматсизлик қилиш қонунга мувофиқ таъқиб қилинади”, деб қайта таҳрир қилиш мақсада мувофиқ (тегишли қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилади).

Шунингдек, миллий валютамизга нисбатан муносабатимизни ўзгартиришимиз, уни нафақат айирбошлаш, тўлов ва муомала воситаси сифатида эмас, балки миллий давлатчилик рамзи эканлиги ҳақида тушунча ва қарашларни шакллантиришимиз лозим. Бунинг учун мактаб, лицей ва олий ўқув юртиларида таълим берилаётган тарбия дарсларида давлат рамзларига, хусусан, ўзбек сўмини эъзозлашга бағишланган мавзуларни кенгайтириш зарур.

Бундан ташқари, ҳар бир оилада, айниқса, катталар ўзбек сўмининг ўрни ва қимматини юксак баҳолаш, ёш авлодга урнатиб олиш орқали уни қадрлаш ва ҳурмат қилиш маданиятини кучайтиришга ҳисса қўиши лозим. Бунда, албатта, оммавий ахборот воситалари, Интернет ва телевидениенинг ўрни беқийс.

МУНОСАБАТ

ТАДБИРКОРЛАР СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИНИ БЎЛИБ ТЎЛАШИ МУМКИН



Абдулла РЎЗМЕТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

Тадбиркор деганда, кўз ўнгимизда ҳаракатчан, жамият эҳтиёжларини тез йўлга, ўз фаолиятини шу талабларни қондиришга йўналтирадиган одам тавдаланади. Чунки йўқдан бор қилиш, имкониятлардан самарали фойдаланиб, доим янгилик яратиш қобилиятига эга киши тадбиркор бўлади.

Шу боис, мамлакатимизда бизнес юритиш шарт-шароитларини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида юрган ёшларни зарур молиявий ва инфраструктуралар билан таъминлаш, уларнинг бизнес соғайи ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга қўмаклашишга катта эътибор қаратилган. Чунки тадбиркорлик ривожланса, камбағаллик қисқаради, одамлар даромад манбаига эга бўлади, юрт тараққий этади.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 21 апрелдаги “Тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳам тадбиркорлик субъектларига фойдалини рағбатлантириш, улар сонини кўпайтиришга қаратилган муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Унга биноан, 2021 йил 1 майдан бошлаб тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан

ошмаган миқдорда кичик тадбиркорлик субъектларига миллий валюта бериладиган кредитлар бўйича фойз харажатларини қоплаш учун компенсация, унинг белгиланган миқдорларини сақлаб қолган ҳолда тақдим этилади.

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига рўйхатга олинган фуқароларга эса тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун кредит миқдорининг 75 фоизгача, лекин базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваридан ортиқ бўлмаган тижорат банклари кредитлари бўйича кафилилик кўзда тутиляпти. Аҳолиянинг томони, тадбиркорлик субъектларига банк кредитлари бўйича компенсация ва кафилиликлар кредит шартномалари сонидан қатъи назар берилади. Бунда компенсациялар тақдим этилаётган кредитларнинг умумий суммаси 10 миллиард сўмдан, кафилиликларнинг умумий суммаси эса 8 миллиард сўмдан, бироқ умумий кредит суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Шунингдек, мазкур ҳужжатга мувофиқ, экспортни рағбатлантириш агентлиги экспорт қилувчилар томонидан товарлар улар бўйича тўловларни кечиктириб тўлаш шарти билан экспорт қилинганда, уларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун револьвер кредитларни молиялаштиришга тижорат банклари молиявий ресурслар тақдим этади. Бунда ушбу ресурслар ҳисобидан кредитлар тўловлари кечиктирилган муддатта ва экспорт қилинаётган маҳсулотлар қиймати миқдориди, бироқ 3 миллион АҚШ доллари эквивалентидан кўп бўлмаган миқдорда, йиллик 4 фоизли ставка (шундан, 2 фоизи банк маржа) билан ажратилади.

Яна бир эътиборли томони, бундан буюн яқка тартибдаги тадбиркорлар тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафилилик ва компенсацияларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилаётган кредитларнинг 70 фоизи кичик бизнес лойиҳаларига, 30 фоизи эса устувор равишда ўзини ўзи банд қилишга йўналтирилади. Бунда ажратилаётган маблағларнинг камида 15 фоизи жойларда, айниқса, шаҳарларда хизмат кўрсатиш соҳасида кичик лойиҳаларни молиялаштиришга қаратилади.

Қарор билан халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларига олис ва чекка худудларда жойлашган ер

участкасида доимий фойдаланиш ҳуқуқини аукционга қўйишда уларнинг бошланғич нархини 50 фоизгача қамайтириш, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларига ер участкасида доимий фойдаланиш ҳуқуқини аукционга қўйишда бошланғич нархга чегирма белгиланадиган олис ва чекка худудлар чегараларини белгилаш ваколати ҳам берилди.

Янгиликлардан яна бири шуки, жорий йил 1 июндан бошлаб инфраструктура яқин жойларда, шу жумладан, республика аҳамиятидаги йўللарга туташ бўлган, белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхат бўйича унумдорлиги паст, фойдаланишда бўлмаган қишлоқ ҳўжақчи ерларини сановат ва хизмат кўрсатиш объектиларини барпо этиш учун лойиҳа асосида инвесторларга “E-IJO AUCTION” савдо майдончасида электрон онлайн-аукцион орқали ажратишга рухсат берилмоқда.

2021 йил 1 июндан бошлаб эса уч йилдан ортиқ вақтдан бунда фойдаланиш кўрсатаётган ҳамда ҳисобланган солиқларини муддатда тўлаб келган, лекин молиявий аҳолига қўра, солиқ қарзини тўлаш имкониятига эга бўлмаётган тадбиркорлик субъектлари солиқларини бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятига ҳам эга бўлади.

Қолаверса, уч йилдан ортиқ вақтдан буюн товарларни импорт қилиш билан шуғулланаётган, божхона тўловлари бўйича мажбуриятларини бажариб келган, лекин молиявий аҳолига қўра, тўловларини белгиланган муддатда тўлаш имкониятига эга бўлмаётган тақши иқтисодий фаолият иштирокчиларига божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилди. Бунинг учун ушбу тартиб бўйича гаровсиз бўлиб-бўлиб тўланадиган солиқ ёки тўловлар суммаси тадбиркорлик субъекти томонидан охириги уч йил давомида тўланган солиқ ёки божхона тўловлари суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Умуман олганда, мамлакатимизда аҳолининг ишчанлик фаолиятини ва тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш, ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича барча чора-тадбирлар қўрилмоқда. Ушбу қарор тадбиркорлиқни ривожлантиришга оид илосхотларни изчил давом эттириш, одамларнинг меҳнатга бўлган муносабати, тафаккур тарзи, аҳолининг дунёқарашини ҳам муайян даражада ўзгартиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Ўзбекистондаги очкилик ва шаффофликка асосланган прагматик сиёсат хорижий мамлакатлар вакиллариининг юртимизга кизиқишини, инвестор, турист сифатидаги интилишини оширяпти. Ўз навбатида, ўзбек йигит-қизлари ҳам билими ва касбий тажрибасини ошириш учун ривожланган чет давлатларга боряпти. Тадбиркорликка кенг йўл очилгани, аҳоли даромадларининг ошаётгани юртдошларимизнинг тадбиркорлик, сайёҳлик мақсадида хорижга сафар қилишига туртки бермоқда. Шубҳасиз, бу муносабатларда чет тилини билиш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, мамлакатимизда хорижий тилларни ўқитишга қаратилган эътиборни бугун ҳар қачонгидан юқори деб баҳолаш мумкин.



Илҳомжон ТЎХТАСИНОВ,
Самарқанд давлат чет тиллар
институту ректори,
педагогика фанлари доктори,
профессор

Чет тиллар бўйича малакали мутахассислар тайёрлашда Самарқанд давлат чет тиллар институтининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Бугунги кунда олий таълим муассасасида ўн иккита тил бўйича бакалавр ҳамда магистрлар тайёрланяпти. Хорижий мамлакатлар билан алоқаларимиз мустаҳкамлангани сайин институтимизга ўқишга кириш учун ҳужжат топширувчилар ҳамда талабалар сони йилдан-йилга тобора ортиб бормоқда. Бу эса ўз-ўзидан янгидан-янгй ўқув бинолари, талабалар турар жойлари ва кутубхоналар қуришни, жумладан, янги таълим йўналишлари, факультетлар ҳамда филиаллар очишни тақозо этмоқда.

Президентимиз ҳудудлардаги ўзгаришлар, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 15-16 апрель кунлари Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида фаоллар билан учрашди. Мулоқот асносида давлатимиз раҳбари вилоят миқёсида олий таълим тизимида катта ўзгаришлар бўлиши маълум қилди ҳамда масъулларга қатор вазифа ва кўрсатмалар берди. Ушбу топшириқларга биноан, 2021–2022 ўқув йилида вилоятнинг Нарпай ҳамда Пайариқ туманларида институтимизнинг “мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (инглиз тили)” ҳамда “хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили” факультетларини ташкил этилмиш. Шу ўринда “Нега айнан ушбу икки туманда очилияпти?” деган савол туғилиши табиий.

Президентимизнинг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида асосан, Нарпай туманидаги хизмат кўрсатиш техникуми ҳамда Пайариқ туманидаги иқтисодиёт ва сервис касб-хунар коллежлари Самарқанд давлат чет тиллар институти тасарруфига ўтказилган. Ушбу икки тумандаги иншоотлар ҳам эскириб, фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келиб қолган. Биз буларни тўлиғича қайта таъмирдан чиқарамиз, талабаларнинг замонавий таълим олиши учун зарур



МАРРАНИ БАЛАНД ҚЎЙГАНМИЗ



имкониятларни яратамиз. Бу борада бажариладиган вазифаларни белгилаб олдик.

Соҳага тегишли вазирлик масъуллари билан бирга мазкур икки туманда очиладиган факультетларнинг ҳар бирига юз нафардан абитуриентни талабалikka қабул қилишни режалаштирялмиш. Бундан кўзланган асосий мақсад чекка ҳудудлардаги ёшларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда уларнинг олий таълим муассасаларига қамровини оширишдир.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 20 апрелдаги “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида ўқиш даврида талабаларни ётоқхона билан таъминлаш, ижара пулининг муайян қисmini тўлаб бериш бўйича олий таълим муассасалари зиммасига баъзи вазифалар юкланган. Улар ижроси билан ҳам шуғулланялмиш.

Айни пайтда Самарқанд давлат чет тиллар институтида 7 минг 803 нафар бакалавр ва магистрант тахсил олмоқда. Уларнинг 638 нафари муассасамиздаги мавжуд талабалар турар жойида яшайди. 1 минг 979 нафари институт атрофидаги маҳалла фуқаролар йиғинларидаги хонадонларда ижарада истиқомат қилмоқда. Қолган талабалар Самарқанд шаҳри ва яқин туманлардан қатнаб ўқийди.

Эҳтиёжимиздан келиб чиқиб, 2021–2022 ўқув йили учун 20 миллиард сўмга давлат-хусусий шериклик асосида 600 ўринлик талабалар турар жойи, шунингдек, институт маблаглари ҳисобидан уч қаватли замонавий ахборот-ресурс маркази қурилади.

Ҳозир мавжуд ва фойдаланишга яроқсиз минг ўринлик тўрт қаватли ўқув биноси ҳамда икки юз кишилиқ талабалар турар жойи тўлиқ мукамал қайта таъмирдан чиқарилиб, бу йил ноябрь ойида фойдаланишга топширишни режалаштирганмиш. Биз бу ишларни бажариб, талабаларни турар жой билан тўлиқ таъминлаймиш. Шунингдек, йигит-қизларнинг замон талабларига мос жиҳозланган ўқув хоналарида таълим олишига шароит ҳозирлаймиш.

Бундан ташқари, мазкур фармонга мувофиқ, институт атрофидаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган “Темир дафтар”, “Ёшлар” дафтари” рўйхатида турган уюшмаган ёшларни бириштириш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда бандлигини таъминлаш учун қатор ишларни бажаришни мақсад қилиб олдик. Жумладан, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича психологик марказ ташкил этмоқчимиз. Шунингдек, ёшларни компьютер саводхонлиги, тадбиркорлик ва касбга йўналтириш, чет тили курслари, китобхонлик, стол тенниси, футбол, волейбол, шахмат-шашка тўғараклари, “Заковат”, “Қувноқлар ва зукколар” клублари, “Таржимон” театр студияларига жалб қиламиз.

Ушбу тизим орқали уч юз ёшнинг бандлигини таъминлаш, икки юз йигит-қизни касб-хунарли қилиш, яна шунчасининг тил билиш даражасини ошириш, уч юз эллик ёшни олий таълим муассасасига қамраб олиш, минг нафар ёшнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишни мақсад қилганмиш.

Институтимиз талабаларининг қизиқишидан келиб чиқиб, Маданият вазирлиги билан ҳамкорликда мусика ижрочилиги, анъанавий хонандалик ва рақс санъати бўйича ҳаваскорлик ансамбллари ташкил этилади. Вилоят маданият бошқармаси билан ҳамкорликда институтда ҳафтада икки марта, талабалар турар жойида ҳафтада бир марта таниқли маданият ва санъат ҳодимлари билан ижодий учрашувлар, спектакллар, концерт-томоша дастурлари, миллий мақом куйлари кечаларини ташкил этиш режалаштирилди.

Бу ишлар замирида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларга янада кўпроқ имконият ва енгиллик бериш мақсади муважжасам. Ушбу саъй-ҳаракатлар ўзбек ўғил-қизларининг жамиятда ўз ўрнини топиши ҳамда халқроқ доирада рақобатдош, юртимиз номини юксакка кўтарадиган мутахассислар бўлиб етишишига хизмат қилади.

Ўзбекистон ёшлари форумида давлатимиз раҳбари эркин иқтисодий зоналар бўйича мавжуд тажриба асосида ҳудудларда “Ёшлар кичик саноат зоналари” ташкил этилишини ҳамда уларда ёшларнинг бизнес лойиҳалари жойлаштирилиши таъкидланган эди.



БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ МЕХАНИЗМЛАРИ КЎПЛАБ СТАРТАП ҒОЯЛАРГА ЗАМИН БЎЛАДИ

Темур ПОЁНОВ,
Ёшлар ишлари агентлиги
Қашқадарё вилояти
бошқармаси бошлиғи в.б.

Президентимизнинг ўтган йили 12-13 ноябрь кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида берган кўрсатмалари асосида Қарши шаҳрининг “Хонтепа” маҳалласи ҳудудида икки гектар майдонда “Ёшлар кичик саноат зонаси” ташкил этилди. Бугун йигирмата лотга ажратилган кичик саноат зонасида умумий қиймати 20 миллиард 372 миллион сўмлик лойиҳалар шакллантирилган бўлиб, “Ёшлар дафтари”га киритилган йигит-қизлар учун 320 та янги иш ўрни яратилмоқда.

Мазкур кичик саноат зонасида трикотаж ва текстиль маҳсулотлари, металлни қайта ишлаш ҳамда қурилиш материаллари, шунингдек, турли техник жиҳозлар ва мебель ишлаб чиқариш, ойнага ишлов бериш каби қатор йўналишлар фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Президентимиз томонидан йил бошидан буён ёшларга бағишланган учта видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Жумладан, 13 апрель куни бўлиб ўтган йиғилишда йигит-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар корхона



ва компанияларда амалиёт ўтаганда уларга 500 минг сўмгача субсидия ажратилиши, биринчи марта ишга кирган касб-хунар марказлари битирувчилари олти ойгача даромад солиғидан озод этилиши, бундан ташқари, “Ёшлар дафтари”га киритилган беш нафардан ортқ ишсизни иш билан таъминлаган тадбиркорларга давлат мулки ижараси учун эллик фоизгача имтиёз берилиши навқирон авлод вакиллари қаратилган ғамхўрликнинг яққол далилидир.

Қашқадарё вилоятида 59 минг 583 нафар йигит-қиз “Ёшлар дафтари”га киритилган.

Президентимизнинг шу йил 21 апрелдаги “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбир-

корликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори шу эзгу ишларни янги босқичда давом эттиришда муҳим омил бўлади. Ҳуқуқий ҳужжатда ёшларнинг стартап лойиҳаларини ишлаб чиқиш, бизнес инкубаторни амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини барқарорлаштириш ва рақобатдошлигини ошириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилган.

Шу йилнинг 1 сентябрга қадар республикамиз бўйича 77 та саноат зонаси, 2022 йил 1 апрелгача қолган барча ёшлар саноат зоналарининг тўлиқ ишга туширилишини ёш тадбиркорларнинг кўплаб муаммоларига барҳам беради. Чунки уларда бизнес ғоя ва уни амалга ошириш учун маблаг етарли бўлиши мумкин, аммо жой масаласи муаммо бўлиб турганда, янги саноат зонаси бунга ечим бўла олади. Унда фаолият бошланган ёш тадбиркор яна ўнлаб тенгдошларини иш билан таъминлай олади.

Қарорда Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилиши, “Тикланиш ва тараққиёт” жамғармаси маблаглари ҳисобидан қайтармаслик шарти билан ажратилаётган юз миллион долларгача маблаг ёш ишбилармонлар ҳаётида туб бурилиш ясади. Қолаверса, ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш борасида янги механизмлар ишлаб чиқилиши келгусидаги кўплаб стартап ғояларга замин бўлади.

БЎШ ВАҚТ ХУШ ВАҚТГА АЙЛАНАДИ

Мурод ҚОРАБОЕВ,
Халқ таълими вазирлиги
бошқарма бошлиғи

Халқимиз асрлар оша дунё тамаддунига муносиб ҳисса қўшган аллома фарзандлари, улар яратган бой илмий-маънавий мерос билан бошқа миллат ва элатлар орасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиб келган. Бугун мана шу анъанани давом эттириш эҳтиёжи ёшлар таълим-тарбиясида эътиборни ошириш ва уларнинг бўш вақтини сермазмун ўтказиш борасида кун тартибига янги талабларни қўймоқда. Чунки юртимизнинг эртанги тарихини бугун мактаб парталарида ўқиб изланаётган ўғил-қизлар битади. Улар эзгу ишларимизни давом эттиради.

Ёшларнинг дарсдан ташқари вақтидан унумли фойдаланиб, келажагига мустақам пойдевор қуришда мактабдан ташқари таълим муассасаларининг ҳам ўрни катта. Давлатимиз раҳбари 13 апрель куни ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу хусусда алоҳида тўхталиди. Жумладан, “Баркамол авлод” болалар мактабларига ўқувчиларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишларни жадаллаштириш ва тўғараклар аъзолари сонини 500 мингга етказиш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Президентимизнинг яқинда эълон қилинган “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш механизми аниқ-тиниқ кўрсатиб берилди. Унга қўра, ҳудудий ҳокимликлар билан биргаликда умумий ўрта таълим муассасаларида “Баркамол авлод” болалар мактабларининг тармоқ филиаллари ташкил



этилади. Замонавий тўғараклар очилиб, зарур ускуналар билан жиҳозланади. Малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда, умумтаълим мактаблари спорт заллари ва майдонларида ёзги таътил даврида ёшлар ўртасида маҳаллалар, секторлар ва туманлар миқёсида спорт ҳамда ҳарбий ватанпарварлик мусобақалари ташкил этилади. Мана шу имкониятлар ўғил-қизларнинг жисмоний ва ақлий ривожланишида муҳим омил бўлади.

Айни пайтда халқ таълими тизимида 215 та “Баркамол авлод” болалар мактаби фаолият кўрсатаяпти. Улардаги мавжуд 6 минг 218 та тўғаракка қарийб 175 минг ўқувчи жалб этилган. Ўғил-қизлар маданият ва санъат, техника, конструкторлик ва моделлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт, хунармандчилик ва қўл меҳнати, туризм ва экология йўналишлари, олий таълим муассасалари ва мактабга тайёрлов курслари, хорижий тиллар бўйича қамраб олинган.

Чекка ва олис ҳудудлардаги умумтаълим мактабларида “Баркамол авлод” болалар мактабларининг тармоқ тўғаракларини ташкил этиш мақсадида шу кунларда Халқ таълими вазирлиги томонидан жойлардаги талаб ва эҳтиёж ўрганиб чиқилмоқда. Жумладан, 2200 та умумтаълим мактабида рақс, ёғоч ўймакорлиги, робототехника йўналиши бўйича тармоқ тўғараклари очилади. Ушбу лойиҳа амалга

оширилса, 540 минг нафардан ортқ ўқувчини тўғаракларга қамраб олишга эришилади.

13 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ёшлар бандлигини таъминлашда жонбозлик кўрсатган тадбиркорлар, ташкилотчи ва раҳбарлар рағбатлантирилиши маълум қилинди. Президентимиз белгилаб берган вазифалар “Баркамол авлод” болалар мактаблари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, мавжуд муаммоларни ечишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Зеро, мазкур муассасаларга узоқ йиллар эътибор берилмагани сабабли улар фаолиятида анча муаммо ва камчиликлар тўпланиб қолгани сир эмас. Ушбу масалаларга ечим топишда ҳокимлар жалб этилгани, албатта, қувонарли ҳол.

Президентимизнинг 2019 йил 30 сентябрдаги “Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тўбдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2020-2024 йиллар давомида 52 та “Баркамол авлод” болалар мактабини ишга тушириш, хусусан, 39 тасини янгидан қуриш, 10 тасини реконструкция қилиш ва 3 тасини мукамал таъмирлаш белгиланган. Бу саъй-ҳаракатлар тўлиқ рўйбга ошса, тўғараклар шароитини яхшилаш, ўқувчи-ёшлар қамровини ошириш, турли маданий тадбирларни қўлайитириш имконияти янада кенгайди.

УНУТМАС МЕНИ БОЎИМ

Сувон МЕЛИ,
филология фанлари доктори

Юртимизда аждодларимиз меросини ўрганиш, буюк маданиятимиз ва маънавиятимизни ёш авлод қалбига синдириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётгани қувонарлидир. Президентимизнинг қарорларига биноан, бу йил Ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 580, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ва Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 ҳамда Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллиги юртимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда.

ЯХШИ ҚОЛ, ЭЙ ДИЛБАРИМ, ДИЛДА КАДАР КЕТМОҚДАМАН...

(Ўткир Ҳошимов ва Абдулла Ориповнинг дўстона ижодий ҳамкорлиги самараси)

Улуғ устозларнинг ноёб ижодий меросини, ўзаро самимий мулоқотлари, ҳамкорлигига оид ибратли анъаналарини ўрганган кезларимизда юксак орзуларга ошно қалблар муштараклигидан бунёд бўлган ўлмас асарларнинг қадрини ва аҳамиятини янада чуқурроқ англаб етатимиз.

Ижодкор руҳининг чамбарчас боғлиқ икки кутби бор. Бу — насл ва назм. Александр Пушкин уларни муз ва оловга мензатган. Олов ўзининг қизгин тафти билан назмни, шеърятни англаган, албатта. Наср ҳам буюк шоир айтганчалик муз эмас, унда ҳам қайноқ ҳис-ҳаяжон ва шиддат бор. Улар биргаликда, бир-бирини қувватлаб, бир-бирига куч бериб келганда эса янги бир жозиба вуҷудга келиши тайин.

Ўткир Ҳошимовнинг “Баҳор қайтмайди” қиссасида ёш ва иқтидорли хонанда Алимардон Тўраевнинг фожиа-лий ҳаёти тасвирланган. Бинобарин, асар бош қаҳрамон хонанда бўлар экан, у қисса давомида, ҳеч бўлмаसा, бир қўшиқни ижро этиши, асосийси, бу қўшиқ бирон-бир хонанда томонидан аввал айтилмаган, янги шеър ва қўшиқ бўлиши лозим эди. Бунинг нозик тарафи мавжуд бўлиб, агар аввал ижро этилган сўз ва қўшиқ асарга киритилмадиган бўлса, бош қаҳрамоннинг номатлуб қилиқлари ва аянчли тақдири



аниқ биро-бир хонанда ҳаётига дохил бўлиб қолар, бунда эса ёзувчи инсоний ва ахлоқий муаммоларга дуч келган бўлар эди.

Шунинг учун қиссага янги шеър ва янги қўшиқ киритиш зарурияти пайдо бўлади. Лекин шеърни ким ёзади, бунинг устига у юксак савияда бўлиши лозим. Адиб шеър ёзиб бериш тақлифи билан тенгдос шоир дўсти Абдулла Ориповга мурожаат қилади.

Шоир ва адиб дорилфунунда бирга ўқиган, бир-бирларини сенаб, “бўтам” дея ярим ҳазил, ярим чин оҳангда гаплашар эди.

— Бўтам, — дейди адиб. — Сен зўр шоирсан. Мен бир қисса ёзаяман. Мазмун шундай-шундай, шунга шеър ёзиб берсанг.

— Майли, бўтам, — дейди шоир. Шу тахлит “Кетмоқдаман” газали кейинчалик қисса видеофильм қилинганда шу номдаги машҳур қўшиқ пайдо бўлади. Адиб ва шоир ўртасида бўлиб ўтган бу воқеани менга таниқли журналист Мурод Абдуллаев “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси таҳриридада бўлиб ўтган суҳбатимиз чоғида айтиб берган эди.

Бундан анча илгари — 1988 йил мен, адабиётшунос, кейинчалик давлат арбоби Анвар Жабборов ва озарбайжонлик дустимиз, адабиётшунос, шоир Акиф Бағиров (Акиф Азалл) билан ҳукумат шифохонасида даволаётган Абдулла акани кўргани бордик.

Ўша пайтлар телевидение экранларида “Баҳор қайтмайди” видеофильми тез-тез намоиш этилар, унда халқимизнинг сеvimли ҳофиз Ҳожақабар Ҳамидов маромига етказиб ижро этган “Кетмоқдаман” қўшиғи янграр, алоҳида ҳолда ҳам радио, тўлқинларидан бот-бот тараларди. Ўша пайтлар Анвар Жабборов билан Тил ва адабиёт институтида бирга ишлар, орамизда шу қўшиқ сўзи муаллифи ҳақида бир нав баҳс бўлган эди. Анвар нуқул қўшиқ муаллифи ўша пайтлардаги бошқа бир машҳур хонанда дер, мен эса негадир у Абдулла Орипов қаламига мансуб эканига қатъий ишонар эдим. Шифохона коридорида учов Абдулла ака билан суҳбатлашиб борар эканмиз, ёдимга ўша баҳс тушди ва буни шоирга тафсилоти билан айтдим.

— Ҳа, ғазални мен ёзганман, — деди шоир. — “Оқибат отганда тонг қондир жигар, кетмоқдаман” деганимга боис, ўша пайтлар сариқ касал бўлиб шифохонада ётган эдим.

Сўнг Анварга қарата буйруқ оҳангиде деди:

— Шеърни чиқаётган китобга кири-тиб юбор.

Шундай қилиб, бу ғазал 1989 йилда нашр этилган “Ишонч кўприклари” тўпламида илк бор чоп этилди. Лекин шоир шеър яратилган санани унутмаган, ўзи тартиб берган тўрт жилдик (кейинчалик, у саккиз жилдга айланди) “Танланган асарлар” 1-томига 1968 йил санаси остида чоп этди.

Абдулла Орипов китобларида кейинчалик чоп этилган ғазал билан қисса матни ва видеофильмда ижро этилган матнни солиштирсак, кейинги матнларда олтинчи байт — “Билмадим, ҳеч бормикан асли дардимга шифо, Хаста бу Абдуладан олган хабар, кетмоқдаман” йўқлиги маълум бўлади. Ҳофизимиз Ҳожақабар Ҳамидов гувоҳлик беришича, шоир ва адиб бу байтни асарга киритмасликини келишиб олган. Чунки қисса ва қўшиқдаги сўзлар фақат Алимардон Тўраевга тегишли қўшиқнинг маъно-мазмунини ҳам бош қаҳрамон тақдирига уйқаш бўлиши лозим эди.

Ҳазалнинг бутун руҳий олами ҳамда баъдий ғояси радифда мужассам. Илк байтда эса асарнинг ғоявий йўналиши ва кайфияти белгиланган:

Яхши қол, эй дилбарим,
дилда қадар кетмоқдаман,
Ишқ аро энди ҳолим зеру забар,
кетмоқдаман.

Илк мисрада — ёрга мурожаат, у билан видолашув, шу пайтдаги ҳолат — “дилда қадар” ва ҳаракат — “кетмоқдаман” — бари жамулжам этилган.

Ҳазал — қўшиқ мазмунини ва асардаги воқеалар, бош қаҳрамон тақдири бевосита ва билвосита боғлиқлик касб этадики, икки ҳодиса бир-бирига шуъла ва аксшуъла ташлаб турадигандек гўё. Гуё қисса ва видеофильм ғазал-қўшиқ учун, ғазал-қўшиқ эса айнан қисса ва видеофильм учун яратилганга ўхшайди. Аслида ҳам шундай.

Қўшиқдаги муайян мотивлар видеофильмда (бундан кейин қисқа тарзда қўшиқ ва видеофильм деймиз, ғазал қўшиққа, қисса видеофильмга асос бўлган бор гап), видеофильмдаги айрим ҳолатлар ўзаро тасдиқ ҳам инкишофини топади. Айниқса, Алимардоннинг кейинги ҳаёти, кириб ва фахшга берилиб, оиласи, хотини Муҳаддам ва ўғлидан айрилиши қўшиқда бошқача, умумлашган, рамзлашган тарзда ифода этилади:

Яхши қол, эй дилбарим,
дилда қадар кетмоқдаман,
Ишқ аро энди ҳолим
зеру забар, кетмоқдаман.

Бундаги “энди” сўзига эътибор қаратилик. Бу сўз ҳаракат-ҳодисаларнинг

давомчилиги, кетма-кетлигида сўнггисини, навбатдагисини билдиради ҳамда контекст ва бутун асардаги воқеалар таъсирида, “келадиган жойга келдим, жазоимни олдим”га ўхшаш маъно тарамларини тарата олади. Яъни қаҳрамон дилида қадар, ғам-ғусса, унинг ҳоли зеру забар, остин-устун бўлиб кетган. Шундай ҳолда — “Кетмоқдаман” дея нола чекмоқда, жумлаи олам билан видолашмоқда гўё.

“Ўзбек тилининг изохли лугати”да “кетмоқ” феълнинг 17 маъноси кўрсатилган. Лекин ғазал ва қўшиқ учун сўзнинг 1-ва 5-маъноси долзарб. Яъни “ўзи турган жойини тарк этмоқ” ҳам-



да “оламдан ўтмоқ; ўлмоқ”. Лекин радифда “моқ” эмас, “моқда” қўшимчаси мавжудки, у тилимизда хозирги замон давом маъносини англатадиган феъл шаклини ясади. Дарслиқда ёзилишича, “Ҳозирги замон давом феъли иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтда аниқ давом этиб турганини ифодалайди. Бу ҳаракат нутқдан олдин бошланган бўлиши, нутқ билан бир вақтда юз бериши мумкин”.

Демак, у чўзиладиган ҳаракатни англатиб келади, оламдан ўтиб бораётган, йўқлик томон кетаётган одам кайфиятини пайдо қилади. Сўзга қўшилган шахс қўшимчаси “-ман” ушбу ҳолат ва кайфиятга интим, шахсий бўёқ ҳамда ҳаяжонга ҳаяжон қўшади.

“Баҳор қайтмайди” ва “Кетмоқдаман” орасидаги ўзаро матний муносабатлар ҳақида гапирганда бутун ва қисм алоқаси бўйича фикр юритишимиз мумкин. Чунки ғазал қисса матнига кириб, унинг узвиға айланганки, шу боис, қисса ғазалга нисбатан бутун ҳисобланади. Лекин масаланинг бошқа жиҳати борки, ғазал ўз-ўзича мустақил асар экани туфайли энди ҳам бутун — қисм, ҳам бутун — бутун алоқадорлиги бўйича ҳам тадиққот олиб боришимиз мумкин.

Ҳазал қиссанинг, қўшиқ видеофильмнинг ярим баъдий-эмоционал кучини ташкил қилади, дейилса му-болага эмас. Бундай фикр адиб Ўткир Ҳошимов қалами кучига зарра соя солмайди, чунки асарга шундай мазмундаги ғазал-қўшиқ киритиш ғояси дастлаб адибда туғилган ва ташаббус у киши томонидан кўрсатилган.

Яна бир гап. Қисса ва видеофильмга кирган ушбу ғазал “Баҳор қайтмайди” асаридagi ялли маънавий муҳитга лирик бўёқ ва талқин беришдан ташқари, шеър муаллифи Абдулла Ориповнинг ўша пайт ва даврдаги аҳвол-руҳияси, маҳзун кайфиятини ҳам ифода этади. Юқорида келтирилганимиз, “Келганимда дедиларки, бу йигит қони зарар” мисраси ўзбек шеърят-ида ўзига янги йўл очаётган, шиддат ва туғёна тўла навқирон овозини хушламай, тўғ кўтариб қарши олганларга, мустабид тузумга ўзи ҳос жавоб, акс-садо дейишимиз ҳам мумкин.

Шу ўринда яна бир хулосани келтирадиган бўлсак, “Баҳор қайтмайди” қиссаси поэтик тузилмасида “Кетмоқдаман” ғазал-қўшиғининг алоҳида ўрни бор, деб ҳисоблаймиз. Қолаверса, қисса ва ғазал мазмунан интерматний алоқага киришадикки, бу нарсга қисса поэтик сезимидега халитлик касб этиб, асарнинг баъдий таъсир кучини оширади.

Энг муҳими, “Баҳор қайтмайди” (қисса ва видеофильм) ўзбек наصري ва шеърятининг икки йирик намояндаси — Ўткир Ҳошимов ва Абдулла Ориповнинг дўстона ижодий ҳамкорлиги самараси сифатида барчамиз учун қадрлидир.

МАЪРИФИЙ ТАРҒИБОТ

МАҚСАД — ЭЗГУЛИК, ОДАМИЙЛИК, ГУМАНИЗМНИ УЛУГЛАШ

Бектемир ПИРНАФАСОВ,
журналист

Ахборот алмашинуви тобора тезлашаётган ва қулайлашаётган дунёда ўзликни сақлаб қолиш, маънавий қадриятларга тўйинган, онгини турли хуружлар таъсиридан ҳимоя қила оладиган собит ва кучли шахсни, авлодни тарбиялаш бугуннинг энг глобал масаласидир.

Аччиқ бўлса-да, тан олиб айтиш лозимки, давлатимиз мустақилликка эришганига салкам 30 йил тўлаётганига қарамай, узок йиллар маънавият ва маърифат соҳасига эътибор суст бўлди. Шунинг учун ҳам сўнгги беш йилда мамлакатда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борадаги чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, аҳолининг дунё-қарашини, хусусан, ёшларнинг интелектуал салоҳияти, онгу тафаккурини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу вазифаларни бажариш мақсадида бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Президентимиз раислигида шу йил 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видео-селектор йиғилишида бу йўналишда йўл қўйилган камчиликлар, уларни бартараф этиш омиллари ва зарур вазифалар аниқ белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда раҳбарлар, мутасаддилар ва жамоатчиликка қарата шундай деди: “Савол туғилади: мана, иқтисодий камбағаллиқни қисқартириш бўйича қатта ишларни бошладик. Лекин маънавий қашшоқликни қандай қисқартирамиз? Фикр қарамлигидан қандай қутуламиз?”

Ислохотлар учун зарур бўлган маблағ ва инвестицияларни қийинчилик билан бўлсаям топишимиз, аммо маънавий иммунитетни мустаҳкамлаш учун руҳий ресурслар қаердан топамиз? Бу саволлар ҳар биримизни ўйлантириши керак”.

Президентимизнинг жорий йил 26 март куни қабул қилган “Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги ва “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари эса ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш борасида бошланган ишларни янги, замонавий босқичга кўтариш учун ҳуқуқий ва дастурий асос бўлди.

Республика маънавият ва маърифат қанғашининг давлатимиз раҳбари раислигида ўтган мажлисида берилган топшириқларнинг ҳудудлардаги ижросини ташкил этишга қўмаклашиш бўйича республика ишчи гуруҳининг ҳулосасига кўра, Навоий вилоятида ушбу йўналишда олиб борилган ишлар эътирофга муносиб, айримлари республика бўйича оммалаштиришга лойиқ.

Масалан, вилоятда мавжуд барча мактабгача таълим ташкилотларида радиоузеллар орқали болаларга алла қуйиб бериш таърибасини оммалаштириш мумкин. Алла ва эртақлар ёзилган дисклар кўпайтирилиб, вилоятдаги МТТларга тарқатилди. Шунингдек, Нуро-та туманидаги МТТларда “Миллий қадриятлар қадрга” номли кичик музейлар ташкил қилинди ва уларда миллий эртақ қаҳрамонларимиз акс эттирилмоқда. Туман ҳокимлиги

томонидан ҳудуддаги 18 та давлат мактабгача таълим ташкилотини китоб жавонлари ва болалар адабиётлари билан таъминлаш мақсадида маблағ ажратилиб, 200 номдаги китоблар олиб берилди.

Жорий йилнинг 2-3 февраль кунлари Республика маънавият ва маърифат марказида бўлиб ўтган ўқув семинар якунида Навоийнинг республикада “энг намунали вилоят” сифатида эътироф этилгани ҳудуд маънавиятчи-зиёлиларининг тизимли меҳнати самараси, албатта. Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан илгари сурилган “Бир зиёли — бир маҳаллага маънавий ҳомий” тамойили асосида мавжуд 307 та маҳалланинг ҳар бирига ҳудуддаги олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари бириктирилди.

— Шу вақтга қадар маҳалла ва овулларнинг иқтисодий ҳомийси, яъни ҳокимлик, моддий ҳомийси — тадбиркорлар бор эди, бироқ маънавий ҳомийга эҳтиёж сезилаётганди, — дейди Навоий давлат педагогика институтини ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проекторки Хуршид Қўрбонов. — Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидаги маҳаллаларда иқтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш мақсадида 307 нафар профессор-ўқитувчи фаолият бошлаган бўлса, уларнинг 228 нафари НавДПИ олимлари. “Бир зиёли — бир маҳаллага маънавий ҳомий” тамойили нафақат маҳаллалар ахли ва ёшлари учун фойдали, балки профессор-ўқитувчи, педагог ҳодим шууринда маҳалла, жамият, ёш авлод олдига бурчлилик туйғусини пайдо қилди.

Эътибор беринг, ўқитувчи аудиториядан чиқиб, иқтимоий ҳаётга ара-лашади, халқ билан мулоқотга кири-шади. Бу дегани, бириктирилган зиёли чин маънода маҳалла ҳаётининг таш-хисчиси, таҳлилчиси, мамлакатда ке-чаётган ислохотларнинг маҳалладаги тарғиботчисига айланмоқда.

Шунингдек, вилоятдаги ёзувчи ва шоирлар, таниқли ижодкорлар 365 та мактабда ижодий-маданий масала-лар бўйича тарғиботчи вазифасида фаолият бошлади. Улар умумтаълим муассасаларида ёш авлодни маъна-вий жиҳатдан баркамол этиб тарбия-лаш, мактаб ўқитувчилари ва фаол ўқувчиларининг ижодий ишларини кенг жамоатчиликка етказишга қўмак-лашиш, турли виқториналар, мушоя-ралар, адабий кечалар, қизиқарли дорслар, китобхонлик ва шеърхонлик мусобақаларини ташкил этиш билан шугулланади.

— Бугун мамлакатимизда ҳар бир соҳада кечаётган ислохотларнинг бош мақсади халқимизнинг фаровон ва ёшларимизнинг бахтиёр ҳаётини таъмин этишдир, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси аъзоси, шоир, Кармана туманидаги 9-умумтаълим мактаби ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси Руслан Сабуров. — Давлатимиз раҳбари халқимизнинг, айниқса, ёш авлоднинг нафақат мод-дий жиҳатдан етакчи ёки замонавий

билимлар бўйича илғор, балки маънавий-маърифий камолоти ҳам аж-додларига ҳос ва айни пайтда замонга мос бўлишини истаиди.

Хўш, менга ўхшаган ижодий-ма-даний масалалар бўйича тарғиботчи мактаб ўқувчиларига нима беради? Кўп нарсас. Бир мисол: бундан 15 йилча олдин ёзган 3-4 та шеъримни устозга кўрсатиш учун гоҳ совуқ, гоҳ ёгинли кунда, баъзан эса иссиқда қишлоғимдан 40 километр узоқ бўлган туман марказига йўл олардим. Бугун эса санъат, маданият, спорт ва бош-қа соҳаларга қизиқувчи ўқувчиларни кашф қилиш, уларни тарбиялаш, рағ-батлантириш ва ишларини жамоатчи-ликка етказиш ёзувчи, шоир ва жур-налистлар фаолиятининг ажралмас қисмига айланди.

Шунингдек, “Ҳар бир нуруний — беш нафар ёшга мураббий” тамойили асосида ҳар бир маҳалладан тарбияси оғир, маънавий қўмакка муҳтож, уюш-маган, ишсиз 5 нафардан ёш 1 нафар нурунийга бириктирилди. Ушбу хайрли иш асосида вилоят бўйича жорий йил-нинг ўтган давригача маҳаллаларда 65 та тадбир ташкил этилиб, 3700 на-фар иштирокчи қамраб олинди.

— Менга маҳалламиздаги турли муаммолари бўлган, ишсиз, уюш-маган икки қиз ва уч йигит бирикти-рилган, — дейди Хатирчи тумани “Тамабахрин” маҳалласида яшовчи 67 ёшли Норкул ота Тўхтаев. — 40 йилдан зиёд мактабда ўқитувчилик қилдим, ҳудуддаги шу даврда мактаб-да таълим олган барча йигит-қизлар-ни танийман, уларнинг ота-оналари ким, нима иш қилади, оилавий ютуқ ва муаммолари нималардан иборат —барчасидан хабарим бор. Улар билан ҳар куни бир марта кўришаман, ҳеч бўлмаса гаплашаман, кундалик ҳаёти, ишидан хабардорман.

Очиги, анча йиллар бола тарбия-сига муносабатда бепарволикка йўл қўйдик, “Бир болага етти маҳалла ҳам она, ҳам ота” деган ҳикмат унутлаёз-ди, қолаверса, жамиятда бефарқлик бўлганидан кейин кимнингдир бола-сини ҳулқи учун тергасангиз ҳам тес-кари таъсир қиладиган, ҳатто унинг ота-онаси сиздан норози бўлган давр-ларда ҳам ашадиқ.

Президентимиз ташаббуси билан амалиётга татбиқ этилган “Ҳар бир нуруний — беш нафар ёшга мураб-бий” тамойилининг самарали жиҳати шундаки, аввало, сиз ўзингизга бири-ктирилган ёшларнинг аҳолини сўраб, йўл-ўйроқ, зарур бўлса ёрдам кўрсат-тиб туришингиз учун маънавий асо-са эга бўласиз. Қолаверса, мактаб таълимидан кейин олий ўқув юртига кирилмаган ёки мумкин бир касбнинг бошини тутмаган ёшлар ўз ихтиёрига қолса, турли номақбул йўлларга ки-риб кетиши, жамиятга зарар етказиши мумкин. Бу ташаббус ана шу бўлиқ-ни тўлдирिशга, мустақил ҳаёт, турли муаммолар, тақлиф ва даъватлар ол-дида қайси йўл тўғрилигини танлаш-ни билмай турган ёшга маъқул йўлни кўрсатишга ва жамиятга фойдаси те-гадиган шахс қилиб етиштиришга хиз-мат қилади.

Ҳа, сўнгги тўрт-беш йилда барча соҳаларда қатта ўзгаришларга эри-шildi. Халқимизда юрт равангига дахлдорлик, ташвишга камарбаста-лик, ўзаро саховат ва оқибат қадрият-лари ривожланди.

Бошланган йўл манзили олий ва а